

СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИДА БОШОҚЛИ ЭКИНЛАРНИ ЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАЛАРНИНГ ЭТНОҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хайдаров Одил Эргашевич

Термиз давлат университети, мустақил тадқиқотчиси

hajdarovodil188@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада деҳқоннинг минг машаққатлар билан етиштирган ҳосилини нес - нобуд қилмай йиғиб-териб олиш билан боғлиқ расм – русумлар, урф-одат ва маросимлар ифодаланган.

Калит сўзлар: “ҳашар”, “каптар думи”, “ғавза”, “қўлпўстак”, “қамчин бута”, “обло барака”, “барака кесаги”, “она бугдой”, “барака тутам”, “қуён қочти”, “шогол кетди”, “тулки қочти”, “барака бугдой”.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ/ INTRODUCTION)

Деҳқонлар ва чорвадорлар ҳаётида ҳар фаслнинг ўзига хос ўрни бўлган. Бирида экса, бошқасида парваришлаган, яна бирида эса ҳосилни йиғиб олган, келгуси йил ҳосили учун замин ҳозирлаган. Чорвадорлар ҳам қишлоқ тараддудини кўришган, мўл-кўл ем-хашак йиғишга интилишган. Албатта, аجدодларимиз ҳар бир мавсумдаги ишларини муваффақиятли амалга ошириш учун бамаслаҳат иш кўрганлар. Оила, уруғ ва жамоаларда иш бошида оқсоқоллар, кайвонилар, мироблар, дин пешволари ва тажрибали деҳқонлар туришган. Ҳар фаслда янги ишга қўл уришдан олдин муайян маросимлар, урф одат ва анъаналар ўтказилган. Бу расм-русумлар, ирим- сиримлар барча халқларда бўлганидек, Сурхон-Шеробод воҳасида яшовчи аҳолига ҳам мансуб бўлган.

Ғалла ўрими деҳқон ҳаётининг энг долзарб, масъулиятли даври ҳисобланган. Албатта, деҳқон тақвимининг ҳар бир даврига оид маросим ва ирим-сиримлар анчагина. Шулардан бири «хайрихудойи» бўлиб, бу маросим ўрим-йиғим бошланишидан олдин ўтказилган. Хайрихудойи одатининг тарихий илдизлари узоқ замонларга бориб тақалади. Бу одат Оллоҳга қилинган хайр-эҳсон бўлиб, худо йўли, хатми «Қуръон», дуою фотиҳа, қон чиқариш, қурбонлик деб ҳам аталган.¹ Умуман, қурбонлик қилиш диний эътиқоднинг қадимий, илк шаклларида то замонавий, жаҳон динларигача хос бўлган

¹ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. -Т., 1993. -Б. 183.

маросимдир. Масалан, қадимги шумерликлар ҳўкиз, сигир, қўй каби ҳайвонлар билан бирга баъзан қушларни ҳам сўйишган, егулик неъматларидан ҳам тангриларга эҳсон этишган.²

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД/LITERATURE REVIEW)

Ушбу мақолани тайёрлашда этнографлардан Карим Шаниязов, М.Р. Рахимов, Б.Х.Кармышева, Н.А.Кисляков, Исо Жабборов, Баҳодир Саримсоқов, Фахриддин Раҳмонов, Маҳмуд Саттор, Жаббор Эшонқул, асарларида баён этилган назарий қоидалар ва услубий тавсияларга таянилди.

Мақоланинг манбалари сифатида ўз табиати ва аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганилди. Бойсун, Шеробод, Шўрчи, Деновдаги экспедициялар давомида тўпланган дала этнографик материаллари. Шу мақсадда тадқиқотнинг ҳудуд (туман ва жой) олдиндан аниқланди ва мавжуд адабиётлар ўрганилди. Шу билан бирга, аҳолининг этник таркиби ва сақланиш даражаси ҳисобга олинган. танланган ҳудуд аҳолисининг иқтисодий фаолияти ва маданиятидаги анъаналар таҳлил этилди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ/DISCUSSION)

Воҳада пайкал аъзолари ўримга тушиш олдидан даладаги ҳосилнинг миқдорини ўлчаганлар. Пайкал бошига имон-этиқодли, серфарзанд ва кишининг ҳақидан кўрқадиган кексалар боришган.³ Улар энг етилган, сердон, ўртача ва энг кичик пишган бошоқни яъни учта бошоқ олишган. Сўнгра уларнинг дони ажратиб олинган ва белгиланган майдондан олинадиган ҳосил миқдорини чамалаганлар. Пайкал аъзолари оқсоқол ва элликбошиларни чорлаб, хайрихудойи қилишган. Аввал 3, 5, 7 та чўзма пиширилиб, «ис» чиқарилган. Уй эгаси ёки пайкал аъзолари жонлиқ сўйиб, қон чиқарган. Хайрихудойида ҳашарчилар, дин пешволари ва кексалар иштирок этишган. Таом истеъмол қилиб бўлингач, қишлоқ муллasi «Қуръон»дан оятлар ўқиб худодан, Бободехқондан, авлиё-анбиёлардан ҳосилнинг мўл бўлишини, хирмоннинг баракасини сўрашган. Оқсоқоллар хайрихудойини омадли, файзли кунда ўтказишни маслаҳат бериб, шундай кунни аввалдан белгилашган. Ўримга (ҳашарга) нопок кишилар яқинлаштирилмаган. Буғдойнинг илк тутамини ҳам бой-бадавлат ёки фазилатли киши ўриб берган. Шундан сўнггина ёппасига ўрим-йиғим бошланган.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ирим-сиримлардан бири шогирдларга «оқ фотиҳа» беришдир. Бу маросим ҳам буғдой ўримининг бошланиши билан

² Жаббор Эшонқул. «Фольклор: образ ва талқин». -Қарши, 1999. -Б. 33.

³ Дала ёзувлари, 2023 йил. Шеробод тумани, Ғамбур қишлоғи.

боғлиқ бўлиб, ота ҳашарга, яъни ғалла ўримига суяги қотган ўғлини биринчи бор етаклаб чиққанда ўтказилган.⁴ Бола дастлаб ўроқни кўнгилдагидек ушлай олмаган, буғдой пояларини тутамига сиғдиролмаган, боғни боғлай олмаган, иши юришмаган. Бундай ҳолни кузатиб турган ўроқчилар йигитчани ушлаб қўлини боғлашган ва ўримга рухсат этишмаган. Ўғлининг ҳолини кўрган ота унга ёрдамга келган ва кекса ўроқчиларнинг биридан ўғлига ғалла ўришни ўргатишни сўраган. Бош ўроқчи унга «каптар думи»,⁵ «ғавза»⁶ усулида ўришни ўргатган. Ўримда ўроқчи бармоқларига «қўлпўстак»⁷ кийган. Бу эса иш унумини анча оширган. Ўроқчи белбоғига «қамчин бута»⁸ дан тайёрланган 20-30 та боғни ҳам қистириб юрган.

Ўрилган поя кўксини тўлдиргач, 15-20 ғавзани бир жойга тўплаб, бир боғ қилиб боғлаб кетган. Ота ўғлининг ишидан кўнгли тўлгач, жонлиқ сўйиб ҳашарчиларни, уста ўроқчи, мироб ва оқсоқолларни уйига таклиф этган. Дастурхон хонадон эгасининг имкониятига қараб турли неъматлар билан безатилган. Таом еб бўлингач, уста ўроқчи шогирдини путининг орасидан ўтказиб олади. Маросим якунида уста ўроқчи шогирдига оқ фотиҳа беради. Дастурхон теваарагида ўтирганлар ҳам уста ўроқчининг тилакларини қўллаб-қувватлашган.

Бу маросимда ҳам амалий тажриба, ҳам магик – сеҳрли кучга эга бўлган ҳомийлардан фойдаланиш анъанаси ифодаланган. Йигитнинг қўлини боғлаш билан гўё устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, бунинг иши юришмайди, ўриши суст бўлади, биз йўлини, қўлини боғладик дейишмоқчи. Уста ўроқчининг путининг орасидан ўтказишида эса гўё ўроқчидаги яхши фазилатлар – ишчанлик, толиқмаслик, ишбилармонлик йигитчага ҳам ўтади, яъни бу ҳам элнинг назарига тушган ўроқчи бўлади деган рамзий маъно яширинган.

Тарихий-этнографик маълумотларга қараганда туркий тилли халқлар, чунончи Сурхон воҳаси зироатчилари ҳам одам ўзидаги яхши хислатларни сеҳрли (магик) йўл билан иккинчи бир одамга ўтказиши мумкин деб ўйлашган.

Баҳорги арпа ва буғдой ўрими билан боғлиқ қадимий маросимлардан яна бири “обло барака”дир. Бу маросимнинг номини билдирувчи “обло барака” ифодаси ислом дини таъсирида пайдо бўлган. Хоразмда сўнгги тутам буғдой

⁴ Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хитой қишлоғи. 2023 йил.

⁵ Ўрилган буғдой поялари бешбармоқлар орасига олинади.

⁶ Қўл ўрилган буғдой поясига тўлади.

⁷ Ошланган теридан тайёрланган қўлқоп.

⁸ Эгилувчан, синмайдиган бута новдалари.

йиғилиб, хирмон кўтарилганда устига кесак қўйилади, деҳқонлар уни “барака кесаги” деб атаганлар⁹.

«Обло барака» маросими ҳақида филология фанлари доктори Баҳодир Саримсоқов шундай ёзади: «Ҳашарчилар буғдой ўримининг сўнгида бир парча ўрилмай қолган ерни ҳар томондан ўраб, аста келаверадилар. Бундай пайтда ҳар бир ўроқчи охириги тутам буғдойни ўриб олишга ҳаракат қилади. Охириги тутам буғдой эса «она буғдой» деб юритилади. Қайси бир ўроқчи ана шу тутамга етиб олса, «еттим, еттим, обло барака берсин» деб уни ўриб олган. Шундан кейин у барча ўроқчиларга фурсати билан катта бир зиёфат қилиб беради. Она буғдой тутам ҳолда боғланиб, уйга олиб кетилади ва баҳорги экин пайтига қадар сақланади».¹⁰

Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида XX асрнинг бошларида пайкалдаги сўнгги қисм ғалла ўриб олинаётганда бир ўроқчи «куён қочти», «шоғол кетди», «тулки қочти» деб кичқирган. Бу чақириқ бошқа ўроқчилар томонидан ҳам такрорланган.

Мазкур маросим асосан буғдой ўримида қатнашаётган пайкал аъзолари ёки вақф ерлардаги ҳосилни йиғиб олишда қатнашаётган ҳашарчилар иштирокида амалга оширилган. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига қараганда, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида зироатчилар орасида муайян ишни бажаришнинг ҳашар усули кенг тус олган. Пайкал аъзолари ўзларига алоқадор кишиларни: кўни-қўшнилари, қариндошлар, оғайнилари ҳашарга чорлаган. Кўпчилик уруғ, тўп ва жамоага тегишли ёки вақф ерларидаги ғаллани ўриб, хирмонга жамлашни ҳашар йўли билан амалга оширишган. Бу маросимнинг «шоғол кетди» деб аталган кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, пайкалдаги сўнгги беш-олти сотих ердаги буғдой ўрилмай қолганда, кекса, камқувват ўроқчилар ва болалар ўримни тўхтатишган. 20-45 ёш атрофидаги ўроқчилар қолган ерни ҳар тарафдан ўраб олишган. Илғор ўроқчилардан бири «барака тутам шоғолнинг оғзида, ким уни ушласа, омад унга кулиб боқади. Йил бўйи хонадони кам-кўстлик, ғам-дардни билмайди. Шоғол мана шу буғдойзор ичида. Эҳ-ҳей! Шоғол кетди, фалончи, эҳтиёт бўл, ўтказиб қўйма» деб ўримни бошлаб юборишган. Билагини шимарган йигитлар ҳазил-хузул билан ўримга киришишган. Энг сўнгги тутамни ушлаган ўроқчи «Еттим, тутдим, шоғолнинг оғзидан барака буғдойни олдим. Оллоҳ баракасини берсин, деҳқон бобо сердонасини берсин» деб ўриб олган. Атрофдаги ўроқчилар: «Эй, баракалла, омадли йигит экан. Ризқига-ризқ, қувончига-қувонч

⁹ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т., 1994. -Б. 204.

¹⁰ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т., 1986. -Б. 55.

кўшилсин» деб олқишлаган. «Барака тутам» эгаси уни уйига олиб кетган. Кейинги уруғлик экиш мавсумида «барака тутам»дан олинган доннинг бир қисмини уруғлик буғдойга аралаштиришган, бир қисмини кўни-кўшниларга улашишган, яна бир қисмини эса тегирмонга тортиладиган донга кўшиб юборишган.¹¹ Шунинг ҳам айтиш керакки, «барака буғдой» эгасиникига ўримдан сўнг «Ризқ қулли бўсин», «Ризқ кутлуғ бўлсин»га боришган.

Уй эгаси дастурхон тузаб, даврага палов ёки шўрва тортган. Таом истеъмол қилиб бўлингандан сўнг кексалар уй эгаси шаънига: «Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, уйинг буғдойга тўлсин, топганинг тўйга буюрсин, она буғдой баракани берсин, умринг узоқ бўлсин, Хизр бобо ҳамроҳинг бўлсин. Омин. Оллоҳ бизнинг дуомизни қабул қилсин»¹² деб ният билдиришган.

«Тоғдай тиласанг, қирдай беради», дейди қариялар. Дарҳақиқат, яхши ният билдириш, эзгу тилаклар тилаш, олқишу дуолар қилиш туркий тилли халқларнинг энг қадимий анъаналаридан бири эканлигини яхши биламиз. Инсонлар ўз ҳаётининг барча фаслларида, турли муносабатлар билан турмушнинг барча чорраҳаларида бир-бирига тилак билдиради, яхши ният қилади.¹³ Аждодларимизнинг тушунчасича, «барака буғдойи» сеҳрли (магик) қудратга эга бўлиб, пайкалдаги майсанинг ривожига кўмак беради. Уни турли боло-қазолардан, инс-жинслардан асрайди ва ҳосилдорликни оширади. Шу боис «барака буғдойи»нинг магик қудратини амалга ошириш учун элнинг дуоси ҳам зарур деб тушунилган. Пайкал аъзолари «барака буғдой» соҳибиникига бориши ва уй эгаси уларнинг кўнглини олиб, дуо фотиҳасига эришишга интилишининг боиси ҳам ана шунда. Элнинг дуоси билан зирҳланган «барака буғдой», яъни она буғдой қудратли саналиб, унинг кучига ишонишган.

Тожиқ элшуноси М.Р.Раҳимовнинг ёзишича, «Обло барака» маросими Қоратегин ва Дарвоз тожиклари, шунингдек, бошқа ҳудудларда яшовчи тоғлик тожиклар орасида ҳам ўтказилган. Улар ернинг жони бор деб ўйлашган. Қачонки, ғалла ўриб олингандан кейин ер ўлади деб тушунишган. Шунинг учун ҳам ўрим охирлашгач, ўроқчилар сўнгги тутам буғдой пояларини тезкорлик билан ўриб олишга интилишган. Шундай қилинса, ер унча қийналмас экан. Сўнгги тутамларни ўришга чоғланаётган ўроқчилар ўзларича дуо ўқишиб, уч марта «Ё олло, ё олло, ё олло» деб хитоб қилишган.¹⁴ Ҳар икки ҳолатда ҳам

¹¹ Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг деҳқончиликка оид урф-одатлар ва маросимлари (XIX аср охири XX аср бошлари). – Тошкент: “Тафаккур”, 2010. – Б 72.

¹² Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хитой қишлоғи. 2023 йил.

¹³ Маҳмуд Саттор. Кўрсатилган асар. -Б. 177.

¹⁴ Раҳимов М.Р. Следы древних верований в земледельческих обычаях и обрядах таджиков Каратегина и Дарваза в XIX- начале XX в. -М., 1956. -С.82.

кекса ўроқчилар кун бўйи толиққан ҳашарчиларни руҳлантиришга ҳаракат қилишган. Ўзбекларда охири тутам (барака тутам, она буғдой)нинг сеҳрли (магик) хусусияти бўрттирилган бўлса, тожикларда ерни жонли деб тасаввур қилиш анъанаси асосга олинган ва уни қийнамасликка чақирилган, агар қийналса, Оллоҳ ранжиши, хирмондан барака қочиши мумкин деб тушунилган. Шу боисдан ҳам ўзбеклар чарчоқни енгиб барака тутамни қўлдан чиқармасликка, унинг магик қудратидан фойдаланиш учун ғайрат қилишган бўлса, тожик деҳқонлари Оллоҳ марҳаматидан қуруқ қолмасликка интилиб, дангасаликни енгилшга ўзларида куч топа олганлар.

Май ойининг ўрталарида арпа ўрими бошланган бўлса, июнь ойининг охири-июль ойининг биринчи ярмида буғдой ўрими бошланган. Албатта, XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида Сурхон-Шеробод воҳаси зироаткорлари ғалла ўримида фойдаланиладиган асосий қурол ўроқ бўлган. Ўроқ билан ишлашнинг иш унуми анча паст бўлган. Шу боисдан ҳам кишилар биргалашиб ишлашни маъқул кўришган. Буғдой (ғалла) ўрими билан боғлиқ удумлардан бири-ҳашар шу тариқа юзага келган, яъни ғалла ўрими даврида деҳқонлар бир-бирига «ҳашар» ёки «кўмак»¹⁵ бериш йўли билан ёрдамлашганлар. Қаерда экин майдонлари кўп бўлса, пайкал эгалари ғаллани ўриб йиғиб олиш учун «ҳашар» уюштирганлар. Ҳашарда бир қишлоқ кишилари ҳамжиҳат бўлиб иштирок этишган.

Қаерда ер майдони кам бўлса, ҳашар уюштирилмаган. Ери кам деҳқонлар ўзаро бирикиб, «шерик»лик қилганлар ва бир-бирининг ғалласини ўришда кўмаклашганлар.¹⁶ Белгиланган яхши кунда барча таклиф қилинган, деҳқонлар қайси пайкал эгаси айтган бўлса, эрталабдан ўшаникига ҳашарга йўл олишган. Ҳашар муддати ер майдонига қараб белгиланган. Баъзи пайкалларда эрталабдан кечгача, яъни бир кун давом этган бўлса, баъзи пайкалларда 2-3 кун давом этган. Ҳашарда ўнлаб эркаклар, аёллар ва болалар қатнашишган. Болалар отаси, акаси ёки онасига боғбандлар етказиб бериб туришган.

Ҳашар бошлангандан сўнг пайкал эгаси тушлик овқатга тайёргарлик кўрган. Майдон четида қўй сўйиб, қон чиқарган. Ҳашар 3-4 кунга чўзилса, ер эгаси овқатни ҳам гўштсиз қилган. Ана шундай пайтда пайкал эгасининг 5-6 ёшли боласи келиб қолса, ҳашарчилар уни яширишган. Шунда бой бобо жонлиқ сўйиб бераман, деб боласини қутқазиб олган. Албатта, у сўзининг устидан чиққан ва қўй сўйиб гўштли таом билан ҳашарни якунлаган. Ҳашар

¹⁵ Шаниязов К. Ўзбеки-карлуки. -С. 53.

¹⁶ Кармышева Б.Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях // Труды Академии наук Таджикской ССР. т. СХХ, 1960. -С. 72.

кўшнилари, қариндошлари ва қишлоқдошлари ўртасида келишилган ҳолда хурсандчилик билан ўтказилган.

Таъкидлаш керакки, одатда бундай катта ҳашарларни қишлоқдаги бойлар уюштирган. Шу боис, баъзи ҳолларда ҳашар феодал жамиятнинг эксплуатация шакллари билан бирига айланиб қолган.¹⁷

XIX асрнинг охири-XX аср бошларида мавжуд бўлган удум ва маросимларни ўрганар эканмиз, улар қайсидир томонлари билан бир-бирига боғланганини кўрамиз. Ҳашар удуми билан бирга «ҳашар оши» удуми ҳам вужудга келган дейиш мумкин. Ҳашар қилмоқчи бўлган шахс ёки пайкал аъзолари ўримдан 2-3 кун олдин «ҳашар оши»га тайёргарлик кўрган.

Агар бой киши бўлса, семиз жонлиқ сўйиб, шўрва ёки палов тайёрлаган. Ҳашар ошида ҳашарчилар, икки-учта кекса кишилар, шунингдек, оқсоқол ёки тўсатдан келиб қолган одамлар ҳам иштирок этишган. Мабодо, 5-6 кўни-кўшни биргалашиб ҳашар уюштиришса, улар имкониятига қараб ҳашар оши тайёрлашган.

Ҳашар кишиларнинг бир-бирига беминнат кўрсатадиган ёрдами- хизмати бўлган.¹⁸ Баъзан ҳашар ошини ҳашарчиларнинг ўзлари ҳам олиб боришган. Жамоа ва вақф ерларидаги ғалла ўриладиганида ҳашарчиларнинг уйдан таомлар пишириб боришган. Баъзан ҳашар уюштирадиган кишининг қавм-қариндошлари ҳам ҳашар оши тайёрлаб, дала бошига чиқаришган.¹⁹

Ҳашар қиладиган кишига унинг ҳам ҳеч оғирлик томони бўлмаган, нега деганда ҳашарчиларнинг аёли, оналари тушлик пайтида ҳар хил таомлар пишириб ҳашар бўладиган ерга олиб боришган. Эркаклар аёлларнинг пазандалигига ҳам баҳо беришган.²⁰

Дарҳақиқат, «ҳашар оши» нафақат Сурхон-Шеробод воҳаси деҳқонларига, балки барча туркий халқларга хос бўлган саховатпешаликни, инсоний меҳроқибатни ўз мазмунига сингдирган қадимий удумлардан биридир.

Жамоа ва вақф ерларидаги ғалла йиғиштириб олинган амалга ошириладиган удумлардан яна бири «якун оши»дир. Ҳашар якунланиши олдида унда қатнашганлар ўзаро келишган ҳолда семиз қўй ёки бирор бошқа жонлиқ сотиб олишган. Жонлиқ нархи келишилган, пул ҳаммага баравар бўлинган. Уйланмаган бўйдоқ йиғитчалар, бева («жесир») аёллар, кам харажат оила бошлиқлари пул тўлашдан озод қилинган. Жонлиқ далада сўйилган ва шу ерда пиширилган.

¹⁷ Кисляков Н.А. Следы первобытного коммунизма у горных таджиков Вахио-Боло. // Труды Института антропологии, этнографии и археологии. -М.-Л., 1936. т.X. Этнография, сер.2. – С. 23-25.

¹⁸ Дала ёзувлари, 2024 йил, Денов тумани, Юрчи қишлоғи.

¹⁹ Дала ёзувлари, 2024 йил, Шўрчи тумани, Қораарик қишлоғи.

²⁰ Маҳмуд Саттор. Кўрсатилган асар. -Б. 59.

Ҳашарчилар ғалла ўрими жараёнида яна бир неча таомилларни амалга оширганлар. Боғларни боғлаш кун ботар пайтда, яъни иш тугаш олдидан амалга оширилган. Ҳашарчилар орасидан 2-3 киши боғларни (боғбандлари) боғлаш учун ажратилган. Боғликлар: майдон четидаги оккурай, лух (камиш тури) ва бошқа ўсимликлардан ҳамда буғдой поясидан ²¹ тайёрланган. Ҳосилни кушлардан, шамолдан асраш учун «ғанак»²²ланган. 20-30 боғ буғдой бошоғи ички томонга қўйилиб, айлана шаклда тахланган. Ғалла ўрими тугагач, ғанакланган бовлар «ғарам» ёки «хирмон»²³га ташиб келтирилган. Боғларни хирмон жойга чиқариш икки маҳал: куёш чиқиб кун қизигунга қадар ва иссиқ қайтиб салқин тушгандан кейин, яъни «кеч салқин»да амалга оширилган. Чунки, бу пайтларда бошоқларнинг синиши, донларнинг тўкилиши кам бўлган. Эшак ёки от-аравада ташилган боғларни²⁴ тажрибали, олдин ҳам шу иш билан шуғулланган деҳқонлар хирмонга келтириб, бовлигини ечиб ташлашган.

Ҳар бир ўроқчи ҳашар тугагач ёки ҳар куни кечкурун ўримдан сўнг уйига бир боғдан буғдой олиб кетиши мумкин бўлган. Бу одат урф бўлгани учун айб саналмаган.

Одатга кўра, ўроқчи ўрим давомида қўшша (жуфт) бошоқ²⁵ топиб олса, пайкал эгаси ўша куни уни бир боғ қўшимча буғдой ёки арпа билан тақдирлаган.

Ўрим тугагандан сўнг боғлар хирмонга ташилгач, баъзи деҳқонлар оиласи билан бошоқ тергани чиқишган.²⁶ Албатта, бошоқни бой хонадонлар теришга чиқишмаган. Бу юмуш билан қишлоқнинг камбағал оилалари шуғулланишган. Терилган бошоқларни куёш иссиғида қуриштигач, «қўлоғоч» билан уриб янчишган ва донини ажратиб олишган.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ/RESULTS)

Мақолада Сурхон-Шеробод воҳасидаги лалмикор ва тўқай майдонларида, тоғ олди ва тоғ шароитида деҳқончилик билан шуғулланган деҳқонлар меҳнати жараёнида, ўрим-йиғим ишлари билан боғлиқ бир неча удумлар юзага

²¹ Ҳашарчилар кечкурун 10-15 боғ буғдой поясига сув сепиб кетишган. Эртабаб буғдой пояларини бир томонга қар; о оурашган. Начижада намиққан *вушюи* поясидан боғликлар ҳосил бўлган.

²² Қоратегин тожикларида бу атама «гомук» деб аташган. Қаранг: Н.А. Кислякои. Очерки по истории Каратегина. -Душанбе. АН. Тадж. ССР, 1951. -С. 18.

²³ Ғарам боғларнинг катта тўдаси (200-300 боғ атрофида), хирмон эса буғдой поясининг эзилган, янчилган тўдаси, яъни ҳапи дон ва сомонга ажратилмагани.

²⁴ Боғларни эшак ва отда ташиш қўйидагича амалга оширилган. Бир киши от эгарида ўтирган ва икки томонига узун игши ташлаган. Ердаги иккинчи бир киши отнинг ҳар икки томонидан икки боғдай тўрт боғгача узатган, ип боғлар устилай эгарда ўтирганга узатилган. Ипларнинг икки учи маҳкам боғланган.

²⁵ Баъзи деҳқонлар «қўшша бош буғдой» ҳам деб аташган. Бу одат пахта ҳосили пишиб териб олишда ҳам учрайди. Қўшша чанок топгаи теримчига қўшимча пахта (10-15 кг) мукофотга қўшиб берилган.

²⁶ «Новқон» ва «бошоқ» атамаларини фарғоналик деҳқонлар қўллашган. Қараиг: Наливкин В. и Наливкин М. Очерки быта жеигши оседлого туземного населения Ферганы -Казань, 1886. -С. 20.

чиққанки, улар умумжамоа манфаатлари учун хизмат қилганлиги ёритиб берилди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ/CONCLUSION)

Аждодларимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган дала ишлари билан боғлиқ маросим таомилларида эзгулик ва донолик мужассамлашган. Биринчидан, вояга етиб элга қўшилаётган йигит- қизлар меҳнат қилишни ўрганган, иш жараёнида одамлар билан муомала қилиш мактабини ўтаган. Иккинчидан, жамоат жойларида, катта-кичиклар даврасида ўзини тутиш, кексаларни ҳурмат қилиш каби хислатларни қалбига сингдириб олишган. Учинчидан, оғир меҳнатдан кейинги ҳазил-мутойибалар (бойнинг боласини яшириб қўйиш каби) киши вужудидаги чарчоқни тарқатган. Умуман, юқорида санаб ўтилган удумлар ва таомиллар воҳа аҳолиси турмушида минг йиллардан буён сақланиб келиб, миллий қадриятларнинг ажралмас қисмига айланган, турли хил кўринишдаги маросим ва урф-одатлар қишлоқ аҳолиси маданиятининг асосини ташкил этган.

REFERENCES

1. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. -Т., 1993. -Б. 183.
2. Жаббор Эшонқул. «Фольклор: образ ва талқин». -Қарши, 1999. -Б. 33.
3. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т., 1994. -Б. 204.
4. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т., 1986. -Б. 55.
5. Рахимов М.Р. Следы древних верований в земледельческих обычаях и обрядах таджиков Каратегина и Дарваза в XIX- начале XX в. -М., 1956. - С.82.
6. Шаниязов К. Узбеки–карлуки (историко этнографический очерк). – Т.: Фан, 1964; Ўша муаллиф: Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1973.
7. Кармышева Б.Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях // Труды Академии наук Таджикской ССР. т. СХХ, 1960.
8. Кисляков Н.А. Следы первобытного коммунизма у горных таджиков Вахио-Боло. // Труды Института антропологии, этнографии и археологии. -М-Л., 1936. т.Х. Этнография, сер.2.
9. Древние обряды верования и культуры народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986.
10. И.А.Климишин - “Календарь и хронология”. М. 1985
11. Е.Бикерман. “Хронология древнего мира. Ближний Восток и античность”. М. 1976

12. Хайдаров, О. Э. (2022). СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 134-140.
13. Mustafayev, U. U. (2021). YANGI O ‘ZBEKISTON: QADRIYATLAR VA FALSAFIY FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI BO ‘YICHA AYRIM MULOHAZALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 568-577.
14. Mustafayev, U. U., Mustafayeva, S. U., & Haydarov, O. E. (2022). TURMUSHDAGI ISLOM: NAMOYON BO ‘LISHI VA MOHIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 914-921.